# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 115 (8.850) ◆ 1996 йил ◆ 27 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда




*Ўз касб байрамлари — Машинасозлар куни арафасида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Бугун корхона конвейеридан сифат жиҳатидан янги — юксак унумли Т-130 русумли трактор тушди. Бу тракторга пахта териш машиналари осилиши ҳам мўлжалланган. Шунинг учун у «Тошқишлоқмаш»га юборилади. «Тошкент трактор заводи» бирлашмасида эса янги русумли тракторларни йиғиш давом этяпти.*

*Машинасозлар кунига*

## БИР ЮЗ ЎТТИЗ ОТ ҚУВВАТИ

Суратли лавҳа



Янги йиғилаётган тракторларнинг фидойилари билан танишиш мақсадида корхонанинг 19-цехига йўл олдик. Бу ерда ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Цехда 200дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Шу кунларда олиб борилаётган ишлар ҳақида цех бошлиғи Кўчкинбой Давлетёров қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугунги бозор шароитида бор имкониятлардан фойдаланиб, изланиб, янгилик сари интилиб меҳнат қилмаса бўлмайди. Мана шу фикрни тўғри тушуниб етган корхонамизнинг конструктор-лойиҳачилари кўплаб мутахассисларнинг маслаҳати билан янги тракторни бизнинг корхонада, айнан бизнинг цехда йиғишга қарор қилишгандан сўнг, барча ишчилар алоҳида масъулиятни ҳис эта бошлашди. Бундан ташқари энг малакали йиғувчи-чилангар бу ишга жалб этилди. Натижада кўрсатилган муддатидан анча илгари биз топширилган режани ортиғи билан адо этдик. Ва дастлабки корхонамизда йиғилган Т-130 русумли янги моделдаги тракторни тайёр қилиб, синов бюросига жўнатдик. Синов натижалари ҳозиргача ижобий баҳоланмоқда. Лекин энг сўнгги маълумотни олганимиздан кейин йил охиригача 200 та мана шундай янги тракторларни йиғиб берамиз. Бунинг учун етарли хом ашё ва имкониятлар мавжуд.

Энди шу ўринда бир савол туғилиши мумкин. Янги тракторнинг бошқалардан қандай фарқи бор деган. «Тошкент трактор заводи» фаолият кўрсата бошлагандан буён 60 от кучидан 80 от кучигача эга бўлган тракторларни ишлаб чиқарган. Бу янги трактор 130 от кучига эга бўлиши билан бир қаторда фақат деҳқончилик соҳасида эмас, балки саноат ва қурилиш маҳсулотларини ташиш имкониятига ҳам эгадир. Унинг ҳар томонлама қулайлиги Ўзбекистон шароитида юқори баҳоланмоқда. Аввалги Т-28, Х-4, МС-1-0,1, МА-2-СУ, ТТЗ-80.10, ТТЗ-80,11 русумли тракторларимиздан ҳам ишлаб чиқараяпмиз, аммо асосий эътибор янги моделдаги тракторга қаратилган. Чунки бунинг самарадорлиги юқорилиги яққол кўзга ташланиб турибди.

Йил бошидан бери 2055 та тракторни юртимиз вилоятларига жўнатдик. Сентябрь ойида 205 та турли хилдаги тракторларни ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бунинг уддасидан чиқишга ишончимиз комил, сабаби цехимиздаги маҳоратли йиғувчи-чилангарларимиз кўпчиликни ташкил этади. Улардан Павел Чучков, Исо Исмоилов, Ринат Султонов, Расим Ибриш, Ширин Муҳаммадиевлар алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда...

Цехни айланар эканмиз, қўллари қадоқ йиғувчи-чилангарлар суҳбатининг шоҳиди бўлдик. Улар ҳам худди биз ўйлагандек, корхонада ишлаб чиқарилаётган, аниқроғи йиғилаётган тракторлар ҳақида баҳслашишаётган эдилар. Нима бўлганда ҳам ишчилар юзида табассумни кўриб, шундай хулосага келдик: қилинаётган ишда оз бўлсада самара бўлаяптими, демак бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш керак деган маънони англадик.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

*СУРАТЛАРДА: 19-цехнинг илғор йиғувчи-чилангарларидан Исо Исмоилов, Ринат Султонов, Расим Ибриш; янги Т-130 русумли тракторларнинг тайёр кўриниши; йиғувчи чилангар Павел Чучков (пастда).*

Рустам Шарипов олган суратлар.



*Бандлик хизмати*

## ИШЛАМОҚЧИ БЎЛГАНЛАРГА ЖОЙ ТАЙЁР

***Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси республикамизнинг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунини амалга ошира бориб, аҳолининг «Бандлик-96» йиллик дастури ва иш режасига асосан йил бошидан бери аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш жойларини яратиш устида мунтазам ишлаб келмоқда.***

***Шу хусусда бошқарманинг бўлим бошлиғи П.ШАРОПОВ қуйидагиларни гапириб берди:***

— Ҳозирда шаҳарда 2 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Аҳоли ўртасида аёллар кўпчиликни ташкил этади. Йил бошидан бери ишлаш хоҳишини билдирганлар 32139 нафар фуқарони ташкил этса, шундан 19233 нафари аёллардир. Бош бошқарма туман меҳнат биржалари ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг август ойида 2270 та иш ўрни яратишга муваффақ бўлди. Йил бошидан бери эса, 38491 та янги иш ўрни ташкил этган.

**— Янги иш ўринлари асосан қайси соҳаларда очилаяпти?**

— Ширкат ва жамоа корхоналарида 792 та, жавобгарлиги чекланган жамиятларда 5838 та, шахсий корхоналар ва фирмаларда 10001 та, қўшма корхоналарда 851 та, якка тартибда меҳнат қилиш учун очилган иш жойлари 14801 тани ташкил этади. Кўриниб турибдики, янги иш ўринлари асосан тадбиркорлик соҳаларида барпо этилмоқда. Бунда кишиларнинг шахсий ва хусусий корхоналарга талаби ошиб бораётганига алоҳида эътибор бериш зарур.

**— Август ойида 2629 нафар фуқаро янги ташкил этилган соҳаларга жалб этилган экан...**

— Ҳа, улар асосан халқ хўжалиги тармоқларига: саноатга 426 нафари (йил бошидан бери 2759 нафар), қурилишга 1557 нафари (йил бошидан бери 23280 нафар) ва ҳоказолар. Меҳнаткашларни ишга жалб қилишнинг яна бир яхши йўли ҳақ тўланувчи жамоат ишларидир. Ҳозирги кунда шаҳар бўйича 1200 нафардан ортиқ фуқаро ана шундай жамоат ишларига бириктирилган. Бундан ташқари йил бошидан «Бандликка кўмаклашиш жамғармаси» ҳисобидан 53 корхонага 100 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли қарз берилган. Бу корхоналар ўсимлик мойи чиқаришга ихтисослашган масъулияти чекланган «Нодир» жамияти,совун ишлаб чиқарувчи хусусий «Раъно» фирмаси, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маъсулияти чекланган «Ира» жамияти, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Протон» илмий-техник корхонаси, тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Азо» кичик корхонасидир. Улар янги иш жойлари очиш учун имтиёзли қарз олишган. Ҳозирги кунда шу корхоналар ҳисобидан ҳам янги 851 та иш жойлари ташкил этилган.

Хуллас, бугунги кунга келиб, бошқарма ва унинг жойлардаги меҳнат биржалари фуқаролар учун янги иш ўринлари яратишга астойдил киришишган.

Латиф ТУРҒУНОВ.

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 сентябрь куни Япония миллий нефть корпорацияси президенти Кунио Комацу бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Япониялик меҳмон Бош вазир Ўткир Султонов билан учрашди, Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди.

● Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги асосий битим ратификацияларини айирбошлаш маросими бўлди.

● Асакадаги «ЎзДЭУавто» автомобиль заводи конвейеридан 10000-машина тушди. Ўзбек автомобиллари жаҳон бозори томон ҳам йўл олмоқда. Кеча дастлабки 355 та «Нексия» ва «Тико» Россияга жўнатилди. Асака автомобилларини Ҳамдўстлик мамлакатлари билан бир қаторда Греция, Эрон, Покистон ҳам сотиб олиш истагини билдирди.

● 3 октябрдан Ўзбекистонда Германия Федератив Республикасининг маданият ҳафталиги ўтказиладиган бўлди.

● Навоийда энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган вилоят болалар касалхонаси фойдаланишга топширилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Арманистонда якшанба куни бўлиб ўтган президент сайловлари натижаларини сохталаштиришга йўл қўйилган, деган даъволар билан чиққан, ҳозирги давлат раҳбарига асосий мухолифатчи Вазген Маникуян тарафдорлари ўтган куни Ереванда оммавий тартибсизликларга йўл қўйдилар. Шу муносабат билан Арманистон пойтахтига ҳозир танк ва қўшинлар киритилган. Мамлакат парламенти 8 депутатни, шу жумладан Вазген Маникуянни ҳам ушбу тартибсизликларда айблаб, депутатлик даҳлсизликларини бекор қилди ва уларга нисбатан жиноий иш қўзғатишга розилик берди. Ҳозир яширинган Вазген Маникуян ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қидирилмоқда.

● Академик Евгений Чазов, профессор Ренат Акчурин, 80 ёшли машҳур АҚШ кардиологи Майкл Дебейки ва бошқа мутахассислардан иборат врачлар консилиуми Борис Ельцин юрагида операция ўтказиш учун яна камида 6-10 ҳафта уни бунга тайёрлаш зарур, деган хулосага келди.

● Кеча Ростовдан 30 километр узоқликда қалин туман бўлганлиги сабабли темир йўлдан ўтиш жойида локомотив автобусни мажақлаб юборди. Автобусда асосан болалар бўлиб, уларнинг 20 нафардан кўпроғи ҳалок бўлди.

● Либерал демократик партияси вакили, Россия Давлат думасининг хотин-қизлар, оила ва ёшлар ишлари бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Сергей Семёнов мамлакатда ҳар бир эркак қонуний равишда тўрт хотинга эга бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган қонун лойиҳасини парламентга тақдим этиш ниятида. Уни бу Россияда болалар туғилишини кўпайтириш мақсади билан изоҳламоқда.

### ХОРИЖДА

● Исроилликлар Шарқий Қуддусда мусулмонларнинг муқаддас Ал-Акса мачитига зарар етказиши мумкин бўлган лаҳм ўтказганликлари сабабли норозилик оқибатида фаластинликларнинг Исроил армияси ва полицияси билан қонли тўқнашувлари давом этяпти. Ҳозиргача бу ерда 40 нафарга яқин киши, шу жумладан БМТ тинчликни сақлаш кучлари ҳарбий хизматчилари ҳалок бўлди. Исроил Бош вазири Бенжамин Натанияху Ғарбий Европага ташрифини тўхтатиб, шошилинч Исроилга қайтиб келди ва мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этди. Бугун у Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиши керак.

● «Толибон» ҳаракати қуролли бўлинмалари Қобулнинг асосий қисмини эгалладилар. Ҳукумат қўшинлари пойтахтдан шимолга чекинмоқдалар. Толибончилар БМТ ваколатхонасини ҳам эгаллаб, бу ерда мана тўрт йилдан бери бошпана топган Афғонистоннинг собиқ раҳбари Нажибуллани қўлга олдилар. Мамлакатнинг ҳозирги раҳбарлари — Президент Бурхониддин Раббоний ва Бош вазир Гулбиддин Ҳикматиёр қаерда эканлиги ҳозирча номаълум.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○

*Давра суҳбати*

## МАТБУОТНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган VI сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мавжуд шароитда оммавий ахборот воситалари ўз вазифаларини лозим даражада адо этмаётганини таъкидлаб ўтган эди.***

Шундан келиб чиқиб куни кеча «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида республикамиздаги етакчи газеталар бош муҳаррирлари иштирокида «Матбуотимизнинг бугунги долзарб вазифалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев сўзга чиқиб, ҳозирги пайтда ҳукуматимиз томонидан оммавий ахборот воситалари ҳақида қонун тайёрланаётгани, шунга кўра бу ерга йиғилишдан асосий мақсад оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари хусусида фикрлашиб олиш, шу хусусда таклифлар киритиш ва бу таклифлар қабул қилинажак қонунда эътиборга олинишига эришиш эканини билдирди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Анвар Жўрабоев ҳозирги пайтда матбуотимиздаги камчиликлардан бири газета саҳифаларида танқидий чиқишларнинг камлиги, чунки ҳанузгача орамизда эскича фикрловчи одамларнинг танқидни қабул қила олмаслиги эканини айтди. Шунингдек, «Овози тожик» газетасининг бош муҳаррири Шавкат Ниёзов газеталар тақдирини фақат моддий жиҳатларга боғлаб қўйиш, яъни тижоратлаштириш тўғри эмаслиги, матбуот ва мафкурани бир-биридан ажратиб бўлмаслигини таъкидлади.

Йиғилишда журналист кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам асосий эътиборда бўлди. Бу хусусда «Народное слово» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Лев Пак, «Маърифат» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Ҳалим Саидов, Ўзбекистон радиосининг катта муҳаррири Муҳтарама Улуғовалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари жараёнида асосан Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети билан газета таҳририятлари ўртасида мустаҳкам алоқа йўқлигини айтиб ўтдилар.

Шунингдек ўзаро фикр алмашиш жараёнида «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Салоҳиддин Муҳиддинов, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бўлим мудири Амина Қодирова, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ходими Мукаррама Муродова, «Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Фатхиддин Муҳиддиновлар оммавий ахборот воситалари нуфузини кучайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш сўнггида навбатдаги ана шундай учрашув янада кенгроқ доирада ўтишига, унга матбуотга бевосита алоқадор ташкилотлар ҳам таклиф этилишига келишиб олинди.

Мажид РАИМОВ.

*Талабаликка бағишлов*

## БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!

Кеча муҳташам «Туркистон» саройининг ёзги томошагоҳи шаҳримиздаги 30 та олий ўқув юртидан келиб, тўпланган уч минг нафардан зиёд талабалар билан гавжум бўлди. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси бу ерда биринчи курс талабалари учун уюштирган «Талабаликка бағишлов» тантанали маросими «олтин давр» бўсағасида турган ёшларнинг ҳақиқий байрамига айланди. Тадбирни Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг раиси Ҳотам Абдураимов кириш сўзи билан очди.

— Ҳақиқий ватанпарварлик — Ватанни севиш билан бирга, пухта билим олиб, яхши мутахассис бўлиб етишиш ҳам демакдир, — деди Ҳотам Абдураимов ўз сўзида. — Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, дастлабки довондан ўтдингиз. Ҳали олдинда яна синовлар бор. Кунт билан ўқиб, яхши мутахассис бўлиб етишувингизда сизларга омад тилаймиз!

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## А.Р.Григорян ва В.Н.Шинни мукофотлаш тўғрисида

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда Германияда ўтказилган профессионал бокс бўйича жаҳон чемионатида катта ютуқларга эришганликлари учун мукофотлансин:

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Григорян Артур Размикович** — Ўзбекистон Бокс федерацияси спорт бўйича йўриқчиси

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Шин Владимир Николаевич** — Ўзбекистон Бокс федерацияси раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 26 сентябрь.

*Юртимиз довруғини таратганлар*

## Артур ГРИГОРЯН: «ҒАЛАБАЛАРИМНИ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАЙМАН...»



***25 сентябрь. Тошкент аэропорти. Соат тонгги беш. Самолётлар тинимсиз бири қўниб, иккинчиси осмонга кўтарилади. Биз Франкфуртдан учиб келадиган самолётни ҳаяжон билан кутиб, самога тикиламиз. Чунки ушбу рейсда таниқли боксчимиз, профессионаллар ўртасида жаҳон чемпиони Артур Григорян қайтаётганди.***

***У 21 сентябрь куни Берлинда ўз унвонини ҳимоя қилиш учун 61,2 килограммгача вазнда америкалик Жон Ридга қарши рингга чиқди. Юртдошимиз бу гал ҳам юксак маҳорат намойиш этиб, чемпионликка муносиб эканлигини яна бир карра исботлади. Бу унинг биронта ҳам мағлубиятсиз профессионаллик фаолиятидаги йигирманчи ғалабаси бўлди. Шундан ўн уч мартасида унинг рақиблари нокаутга учради.***

***Ниҳоят, олис Германиядан учган самолёт Ўзбекистон заминига оҳиста қўнди. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов бошчилигидаги спорт жамоатчилиги чемпионга пешвоз чиқди. Артур биринчи бўлиб ота-онаси билан қучоқ очиб кўришди. Сўнгра устозу дўстлари уни қутлаб, гуллар тақдим этишди. Фурсатдан фойдаланиб жамоатчи мухбиримиз ғолиб спортчимиз билан суҳбатлашди.***

**— Артур, навбатдаги ғалабангиз билан табриклаймиз. Юртдошларимиз бу муваффақиятни орзиқиб кутишганди. Мухлисларга рақибингиз тўғрисида бироз маълумот бериб ўтсангиз.**

— Бутунжаҳон бокс ташкилоти (WBO) таснифи бўйича чемпионлик унвонига даъвогарлар бир нечта эди. Ташкилотчилар уларнинг орасидан америкалик Жон Ридни маъқул топишди. У профессионал рингда 25 та учрашув ўтказиб 19 тасида ютиб чиққан, 1993 йили эса АҚШ чемпионлигига эришганди. Бундан 2 ҳафта олдин у билан учрашувга шартнома тузилди. Зудлик билан видеотасвир орқали рақибим услубини ўрганишга киришдим. Жон Рид — баланд бўйли, тезкор боксчи. Унга кўпроқ тўғридан ва пастдан берган зарбалари қўл келишини билиб олдим.

**— «Жанг»да асосий эътиборни нимага қаратдингиз?**

— Учрашув бошланмасдан олдин уюштирилган матбуот конференциясида Жон Рид ўз мухлисларини «Мен жангга тайёрман. Албатта ғалаба қозонаман», — деб ишонтирганди. Мен эса ягона қулай имконият ҳам ғалабамни таъминлашини сезгандим. Сабаби Жон Рид узоқ масофадан туриб олишишни ёқтирарди. Биринчи раундда биз бир-биримизни синадик. Рид жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қила бошлади. Иккинчи раундда уни рўпарадан туриб дадил қарши олишга аҳд қилдим. Бир-биримизни зарбалар билан «сийлагач» унинг юзи ҳимоясиз қолди. Тезлик билан бор кучимни йиғиб олдинга ташландим. Мушт зарбидан Рид ерга қулади. Бошқарувчи ҳакамнинг саноғи 9 дан ошиб «аут» янгради.

**— Навбатдаги рақибингиз маълумми?**

— Бир ҳафтадан кейин Германияга қайтаман. Кейинги учрашувга жиддий тайёргарлик кўришим керак. Ноябрь ойида иккинчи бор чемпионлик унвонимни ҳимоя қиламан. Рақибим англиялик Майкл Ауэрс бўлиши мумкин. Майкл ҳақида бир нарсани биламанки, у ҳам баланд бўйли.

**— Россия радиоси, «Труд» газетаси куни кеча «Арманистон боксчиси ғалаба қозонди», деб нотўғри хабар тарқатди. Бунга муносабатингиз қандай?**

— Эҳтимол, Германиядан кимдир янглиш маълумот бергандир. Аввалги «жанг»ларим сўнггида мендан «Қайси давлат байроғини кўтарамиз?» деб сўрашганида «Албатта Ўзбекистон байроғини», дея айтгандим. Чемпионликни қўлга киритгач минглаб юртдошларим кўз ўнгида, стадионда Президентимиз табриги ўқиб эшиттирилиши, юртбошимиз совғаларининг топширилиши ҳаётимнинг унутилмас дақиқаларидир. Ўшанда «Ғалабаларимни мустақил Ўзбекистонга бағишлайман» дегандим. Мен шу юртда туғилдим, ўсдим. Ўзбек бокс мактабида тарбияландим. Ватаним Ўзбекистон экан унга хизмат қилиш, эришган ғалабаларимни бағишлаш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз!

Суҳбатдош Беҳзод ТЕШАБОЕВ.

*Футбол*

## ПОЙТАХТ ТУМАНЛАРИ ЎРТАСИДА

Шаҳримизда 1 октябрдан 11 октябрга қадар «Кока кола ичимлиги Тошкент ЛТД» Кубоги соврини учун пойтахт туманлари ўсмирлар командалари ўртасида футбол мусобақалари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Кока-кола» фирмалари томонидан ташкил этилаётган ушбу мусобақада ҳар бир туман ўз жамоаси билан қатнашади. Фақат Мирзо Улуғбекликларгина икки жамоа билан иштирок этишади. Ўйинлар «Динамо», «Чиғатой», «Чилонзор», «Тўқимачи» ўйингоҳларида бўлиб ўтади.

Энг кучли жамоалар 9 октябрь куни ярим финал баҳсида куч синашадилар. 11 октябрь куни эса «Чилонзор» ўйингоҳида Кубок соҳиби аниқланади.

Ўсмирлар футболини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган ушбу мусобақани кейинчалик Ўзбекистон вилоятлари ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ бўйи республикалари доирасига чиқарган ҳолда анъанавий бўлиб қолиши мўлжалланмоқда.

Дилшод ИСМОИЛ.

